

Рамазон оyi - улуғ имкониятлар ойдир



18:06 / 16.05.2018 4095

Бундай рахматли ойни бизларга мархамат этиб, Ўзига ибодат қилувчилар сафига қўшган Аллоҳ Таолога беҳисоб шукрлар бўлсин!

Аллоҳ Таоло Қуръонда шундай мархамат қилади: **“Жин ва инсни фақатгина Менга ибодат қилишлари учун яратдим. Улардан ризқ ирода қилмасман ва Мени таомлантиришларини ҳам ирода қилмасман.”** (“Заарийаат” сураси, 56-57-оятлар)

Бу бизнинг ҳаётимиз мазмуни, яшашдан мақсадимиз, қилаётган ишларимизнинг асл маъноси, ҳамда охирадаги боқийлигимиз сабабчисидир.

Рамазон оyi - бу бизнинг ҳозирги ҳолатимизни ўзгартиришга, амалдаги савоб ишларимизни кўпайтиришга, ёмон ҳатти-ҳаракатларни қилишдан чекланишга, ўз иймонини кучайтиришга, Аллоҳга яқин бўлишга яна бир имкониятдир. Рамазон - бу имконият, имконият, имконият...

Қуръони Каримда айтилганидек, рўза тутиш барча қавм ва халқларга фарз этилган. Аллоҳ Таоло мархамат қилади: **“Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақводор бўлсаларингиз!** (“Бақара” сураси, 183-оят). Агар бу ибодат ўта муҳим бўлмаганида эди, агар инсонлар рўза

тутишлари ва бунинг учун мукофотини олишлари шарт бўлмаганида эди, Аллоҳ Таоло ҳамма вақтлар учун рўза тутишни фарз деб буюрган бўлмас эди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, Аллоҳ Таолога хуш келувчи амалларнинг ичида, Ўзи учун алоҳида ўринни эгаллагани сабабидан, рўза ибодатини танлаган. Рўза – бу биз билан Аллоҳ Таоло ўртасидаги сир-синоатдир. Рўзадор кун давомида ўзи билан ўзи бир неча бор ёлғиз қолади ва бу вақтда бошқалардан яширинча сув ичиб, бирор нарса еб олиши мумкин, аммо бунда бундай қилолмайди. Чунки Аллоҳ Таолодан ҳеч нима, ҳеч қачон сир бўлиб қолмаслигини яхши тушунади. Мана шу ерда инсоннинг самимий туйғулари, ниятининг ҳолислиги намоён бўлади.

Бу барокатли ойда, Аллоҳ Таоло ўз бандаларига, баъзи бир амалларни қилишдан эҳтиёт бўлишни буюрган. Шунинг учун, Аллоҳ Таоло рўзадорларнинг бу самимиятининг ва тутган рўзасининг мукофотини Ўз қудратига ҳавола этади ва рўзани қилинаётган бошқа амаллардан улуғлигини шу йўсин орқали билдиради. Охиратда мўминлар ана шу улуғ мукофот ила тақдирланадилар. Мукофотлар мукофотловчига хосдир. Шунинг учун, рўзадорнинг мукофоти улуғ ва беҳисобдир. Аллоҳ Таоло биз бандаларига нисбатан нақадар меҳрибон ва карамлик ва биз бандалари эса У Зотга нақадар ношукрмиз.

Дарҳақиқат, рўза дўзах ўтидан сақловчи қалқондир ва шунинг учун, Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда, Пайҳамбар алайҳиссалом дедилар: **“Рўза қалқондир ва дўзахдан ҳимоя қилувчи мустаҳкам қўрғондир”** (Имом Аҳмад)

Рўзанинг энг катта неъматини, хайри яна шундаки, бу унинг охиратдаги шафоатидир. Абдуллоҳ ибн Умардан қилинган ривоятда Росулаллоҳ соллаллаҳу алайҳи васаллам дедилар: **“Рўза ва Қуръон (қиёмат куни) бандани шафоат қилади. Рўза айтади: “(Эй Роббим), мен уни кундузи таом ва шаҳватлардан тўсдим, энди уни шафоат қилишим учун изн бер”.** “Сўнгра Қуръон айтади: **“(Эй Роббим), мен уни кечаси уйқудан тўсдим. Энди уни шафоат қилишим учун изн бер”.** Бас, у **иккисига (бандани) шафоат қилиш имкони берилади”** (имом Аҳмад).

Бу оининг баракаси ва имконияти беҳисобдир. Хар бир инсон бу ойда ўз Яратувчисига қанчалар яқин ва дўзахдан қанчалар узоқ бўлишини ўзи ҳал этади. Маълумки, рўза вақтида, шайтонлар ҳаракат қилиб юрувчи инсон қон томирлари торайиб, бундан уларнинг инсонга бўлган таъсири ҳамда,

инсоннинг қиладиган гуноҳ амаллари камаяди ва инсон ёмонлик иллатларидан узоқлашади. Рўза нафақат ейиш ва ичишдан ўзини тийиш, балки барча ёмонликларни қилмаслик, нафсини жиловлаши ва Аллоҳ розилиги учун, ўзининг ичида қиладиган катта жиҳодидир. Бизнинг ниятларимиз ва хоҳиш-истакларимиз фақат Ўзигагина айёндир, Ўзи ҳалол бўлгувчилардан қилсин!

Саҳл ибн Саъда розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда, Росулаллоҳ Соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **“Дарҳақиқат, жаннатда Райён номли эшик бор. Қиёмат куни ундан рўза тутганлар кирадилар. Ва бошқа ҳеч ким ундан кирмайди. “Рўзадорлар қани?” - деб сўралади ва улар турадилар. Бунда улардан бошқа ҳеч ким бу эшикдан кирмайди. Улар киргач, эшик ёпилади ва бошқа ҳеч ким ундан киролмайди”** (Имом Бухорий ва Муслим).

Хаммамизни шу эшиклардан кирувчилардан бўлиш насиб этсин! Бу улуғ ой гуноҳларимиз кечирилувчи ва Аллоҳ Таолонинг мағфиратига олиб борувчи ойлардан бўлсин! Дарҳақиқат, Буюк ва Меҳрибон Аллоҳ Таолонинг розилиги учун нимани қилсанг, Аллоҳ эвазига, сен учун энг аъло даражада бўлганини насиб этади!